



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 4 ноябрь, № 235 (8015)

Пайшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



НОЁБ ЛОЙИХАЛАР ВА КЕНГ ИМКОНИАТЛАР

темир йўл соҳаси тараққиётига хизмат қилмоқда



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент метроси қурилишини давом эттириш юзасидан 2017 — 2020 йилларда умумий қиймати 295 миллион доллар Давлат бюджети, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан узунлиги 10 километрдан иборат 8 та станцияни ўз ичига олган 2 та лойиҳани ишлаб чиқиш таъминланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент метроси қурилишини давом эттириш юзасидан 2017 — 2020 йилларда умумий қиймати 295 миллион доллар Давлат бюджети, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан узунлиги 10 километрдан иборат 8 та станцияни ўз ичига олган 2 та лойиҳани ишлаб чиқиш таъминланди.

Транспорт тизими мамлакат тараққиётини белгиловчи омиллардан бири. Бинобарин, автомобиль, темир ва ҳаво йўлларини ўз ичига олган мазкур тармоққа қанчалик кўп эътибор қаратилса, натижалар ҳам шунчалик юксалиб бораверади.

Дарҳақиқат, иқтисодий тизимнинг қон томири ҳисобланган йўллар орқали мамлакатимизнинг барча ҳудуди транспорт тармоғи бирлаштирилиб, минтақаларимиздаги мавжуд минерал-ҳом ашё ва табиий ресурсларни ўзлаштиришда, шунингдек, йўловчиларнинг узоғини яқин қилишда кенг имкониятлар яратилмоқда. Тизимдаги йирик лойиҳалар, улкан бунёдкорлик ишлари қўшимча имкониятларни юзага чиқариш баробарида, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаб, одамлар бандлиги ва ҳаёт даражаси яхшиланишига хизмат қилляпти.

Нуктаи назар

Метрополитеннинг “Олмазор” бекати билан оралиқда 580 метрлик тоннель қурилиб, ер усти ва ер ости йўллари боғланди. Бекатлар миллий дизайн асосида пардозланиб, замонавий технологиялар, электрон тўловли турникетлар, эскалатор ва лифтлар билан жиҳозланди. Ушбу йўналишда кунига 35 минтагача одамлар қатнаши мумкин. Шу боис у ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам экологик жиҳатдан улкан аҳамиятга эга.

Масалан, Сергели тумани пойтахтимиз маркази билан боғловчи автомобиль йўли аксар ҳолларда тирбанд бўлади. Оқибатда ёнилғи сарфи ортиб, атмосферага катта миқдорда зарарли газлар чиқади. Одамлар манзилга кечикиб, асабийлашади. Янги ер усти метроси эса аҳолига жуда катта қўлайлик яратади. Сергели йўналишини Қўйлиқ йўналиши билан боғлаш, ер усти метросининг кейинги босқичларини

қуриш бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилган. Шунингдек, шаҳарнинг ҳалқа йўли бўйлаб узунлиги 66,3 километр бўлган темир йўл транспорт воситасини, яъни электрчакани йўлга қўйиш билан боғлиқ лойиҳа амалга оширилади. Бу лойиҳани 2017 — 2030 йилларда амалга ошириш учун Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 189 миллион доллар маблағ йўналтирилади.



МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳ ва мухтор элчиси Ёшинори Фудзияма билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳамда Япония икки томонлама ва кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2019 йилда Кунчиқар юртга ташрифи икки томонлама муносабатларни янги тараққиёт босқичига олиб чиқди.

Ташқари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидеда Япония тадқиқотлари таҳлили маркази фаолият кўрсатяпти.

Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсат, таълим, маданий ва гуманитар соҳаларда стратегик ҳамкорлик муносабатлари, парламентлараро алоқалар билан бир қаторда, илм-фан ва инновациялар бўйича ҳамкорлик ҳам жадал ривожланаётганига алоҳида ургу берилди.

Томонлар 2022 йилда мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида “Японияда Ўзбекистон йили” ва “Ўзбекистонда Япония йили”ни ҳамкорликда ўтказишга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Хусусан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий ва ўқув жараёни ҳам икки мамлакат муносабатларининг фаоллашувида иштирок этишга йўналтирилган. Таълим даргоҳида Япониянинг нуфузли университетлари билан талабарлар алмашиш дастурлари муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Япониянинг Нагоя, Цукуба, Хоккайдо, Васеда, Вакаяма университетлари билан алоқалар ўрнатилган. Бундан

Шунингдек, учрашувда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоевга икки томонлама алоқаларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш йўлидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Япония императорининг олий мукофоти — “Чикаётган қуёш Катта Кордон ордени” (Grand Cordon of the Order of the Rising Sun) билан тақдирлангани муносабати билан Япония ташқи ишлар вазири Тосимицу Мотэгининг йўллаган табрик хати топширилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Сенатор ва ҳаёт

АҲОЛИНИНГ ХАБАРДОРЛИК ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

Хабар берилганидек, айни кунларда парламент юқори палатаси аъзолари жойларда бўлиб, Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида қўрилган қонун ҳужжатлари ва бошқа масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бундан кўзланган мақсад аҳоли хабардорлик даражасини ошириш орқали уларнинг ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада кучайтиришдан иборат.

Нукус шаҳрида ўтказилган тадбирда Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Б. Алиханов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Унда ялпи мажлисда маълум қилган бир қатор ҳужжатлар, жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Божжона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун асоси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.



«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ:

БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ, ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2 ноябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Муносабат

Унда “Яшил макон” умум-миллий лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилиб, юртимизнинг барча ҳудудида “Обод ва кўркем маҳаллам” ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш умумхалқ хайрия хашари ўтказилиши айтилиб, 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” эълон қилинди.

Унда “Яшил макон” умум-миллий лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилиб, юртимизнинг барча ҳудудида “Обод ва кўркем маҳаллам” ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш умумхалқ хайрия хашари ўтказилиши айтилиб, 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” эълон қилинди.

Юртимизда 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” эълон қилинди.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида йилга 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш ҳамда шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8 фойздан 30 фойзга ошириш режалаштирилмоқда. Бундан янги ташкил этиладиган ашилл ҳудудларга масъуллар, бу ишларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилиши,

ободонлаштириш, дарахт кўчатларини экиш, теварак атрофдаги дарахтларга шакл бериш ишларини амалга ошириш халқимизнинг энг эзгу ишларидан.

Агар юртимиздаги мавжуд кўп йиллик дарахтлар муҳофазат қилиниб, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар йили янги 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатлари экилса, мамлакатимизнинг экологик бар-

қарорлиги, атмосфера ҳавоси мусофоллигини таъминлаш имкони юзага келади. Қўккаламзорлаштирилган ҳудудлар, айниқса, шаҳар ва автомобиль йўллари четида яшил ҳудудларни кенгайтириш зарарли моддалар миқдорини камайтиради.

Мамлакатимизда мазкур эзгу ишларнинг амалга оширилишини шу кунларда Глазго шаҳрида ўтказилаётган БМТ иқлим ўзгаришлари бўйича 26-конференциясида кўтарилаётган масалаларга амалий ечим сифатида қараш мумкин. Чунки яшил ҳудудларнинг кенгайтириши “иссиқхона газлари”ни қисқартиришга, иқлим ўзгаришларининг олдини олишга хизмат қилади.

Қадриятлари кадрланган юртимизда халқимизнинг ботинида яшаётган ажиб удумлари борки, улар биз учун мудом ибрат намунаси бўлиб қолаверади. Масалан, ота-боболаримиз оилада фарзанд дунёга келганида, унга атаб ўн туп терак кўчати қадашган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида


МУТАСАДДИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганишлари асосида айрим вазирлик ҳамда идоралар фаолияти таҳлил этилиб, яқунда парламент сўровлари юборилди.

Президентимизнинг тегишли Фармони билан 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантириш бўйича концепция тасдиқланган эди. Унда аҳоли ва иқтисодиётнинг барча тармоғини сув билан барқарор таъминлаш, ер ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, соҳада бозор тамойилларини ва рақамли технологияларни жорий этиш, сув ҳўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлашга оид кўплаб устувор йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилган.

Президентимизнинг тегишли Фармони билан 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантириш бўйича концепция тасдиқланган эди. Унда аҳоли ва иқтисодиётнинг барча тармоғини сув билан барқарор таъминлаш, ер ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, соҳада бозор тамойилларини ва рақамли технологияларни жорий этиш, сув ҳўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлашга оид кўплаб устувор йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилган.

Урганишлар шуни кўрсатмоқдаки, концепцияда белгиланган сув ҳўжалигини 2030 йилгача ривожланти-



800 ТА ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРOS ОБЪЕКТИ ЯНГИ ТУРИСТИК ЙЎНАЛИШГА КИРИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” ўтказилди. Унда “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларини рақамлаштириш ҳамда соҳага давлат-хусусий шерикликни жорий этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида”ги масала муҳокама қилинди.

«Ҳукумат соати»

Халқ вакилларининг ушбу масала юзасидан саволлари-га туризм ва спорт вазирлигининг биринчи ўринбосари У. Аъзамов жавоб берди. Вазирлик ахборотига кўра, шу йил 6 апрелдаги “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғриси-

да”ги Президент қарорига мувофиқ, Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ташкил этилган.



МОДЕРНИЗАЦИЯ —

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиш мушкул. Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 май куни қабул қилинган “2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори ҳаётбахлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Медиатур

Бинобарин, унда қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли фойдаланиш, тармоққа хоризнинг илғор тажрибаларини изчил татбиқ этиш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Жами 32 та лойиҳадан иборат ушбу тарихий ҳужжатда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чотқол дарёсида “Қуйчотқол”, Пском дарёсида “Пском” ва “Муаллак”, Угом дарёсида “Иргайликсой” ГЭСлари, Кўксув дарёсида “Қуйкўксув” ГЭСсининг 1-навбатини қуриш, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Туябўғиз” сув омборида

кичик ГЭС қуриш каби ишлар ўз асини топди. “Ўзбекидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган медиатурда журналистлар ушбу қарор асосида Тошкент вилояти ҳудудида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Дастлабки манзил — Чирчиқ шаҳрининг Чирчиқ — Бўзув трактида жойлашган “Камолот” гидроэлектростанцияси.

Ушбу иншоотга “Ўзбекидроэнерго” АЖнинг “1-сон қурилиш ди-



рекцияси” УК бюртмачи, “Ўзбекидроэнергоқурилиш” бош пудратчи қилиб белгиланганди, — дейди “Чирчиқ ГЭСлар каскади” УК директори

Абдурашул Шодмонов. — Лойиҳа эса “Гидропроект” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланди.



МУТАСАДДИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ



Аммо Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ҳудудларда олиб борилган ўрганишлар давомида концепцияда белгиланган айрим тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишга ҳалақит бераётган қатор масалалар мавжудлиги аниқланди.

Хусусан, республикада барпо қилинган аксарият сув ҳўжалиги инфратузилма объектларининг хизмат кўрсатиш муддати 50 — 60 йилдан ошиб, уларнинг техник ҳолати йилдан-йилга ёмонлашгани, сугориш каналларининг 66 фоиздан кўпи тупроқ ўзанли бўлганлиги, ирригация тизими каналларининг таъмирланадиган қисми 70 фоиздан ва реконструкция қилиш талаб этилаётган қисми 20 фоиздан ортиқни ташкил этиши сабабли сув сарфи юқориликча қолмоқда. Мавжуд сугориш (лоток) тармоқларининг асосий қисми реконструкцияни ва алмаштиришни талаб қилади.

Сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари эса аксарият ҳолда сувни бошқариш ва

ҳисобга киритиш воситалари билан жиҳозланмаганлиги, сугориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентлари ўртача 0,63 ва бир қатор ҳудудларда ундан ҳам паст эканлиги асосий манбалардан олинган сувнинг 35 — 40 фоизи далаларга етиб бормаслигига сабаб бўлаётди.

Оқоридагилардан келиб чиқиб, мажлисда сув ҳўжалиги вазирига “Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш Санитария-эпидемиологик оқошталлик ва жамоат саломатлиги хизматининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ҳудудлардаги 28 та лаборатория томонидан озиқ-

овқат маҳсулотларига 20 минг 334 та санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштирилиб, улар санитария талабларига мос келмаганлиги сабабли истеъмолга яроқсиз деб топилган ва белгиланган тартибда йўқ қилинган.

Бироқ амалга оширилган ишлар билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни тартибга солишда қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, ўтган давр мобайнида жойларда санитария-гигиена соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар сони кескин кўпайиб бормоқда.

Масалан, шу йилнинг тўққиз ойи давомида ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарлик сабабли 7 минг 323 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарима қўлланилган, 55 ҳолатда оқватдан заҳарланиш қайд этилган. Натигада жами 218 фуқаро жабрланган, улардан 9 нафари вафот этган.

Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудларда ўтказган ўрганишлари жараёнида ижтимоий соҳа объектлари, овқатланиш шохобчалари ҳамда деҳқон бозорларида



аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида санитария-гигиена талабларига мос этилмаслик ҳолатлари ҳам мавжудлиги маълум бўлди. Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотларида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш, ўқувчилар ва боғча ёшидаги болаларни физиологик эҳтиёжига мувофиқ бўлган рационал ва мутаносиб озиқ-овқат билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмас.

Хусусан, таълим ташкилотларини табиий озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами билан таъминлаш, болаларни физиологик эҳтиёжига мувофиқ бўлган озиқ-овқат билан таъминлашда нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш, шунингдек, бино ва хоналарнинг санитария талабларига мослиги бўйича ҳам самарали назорат ўрнатилмаган.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, мажлисда Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг ташаббуси билан Санитария-эпидемиологик оқошталлик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғига “Мамлакатимизда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ (Халқ сўзи).

800 ТА ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТИ ЯНГИ ТУРИСТИК ЙЎНАЛИШГА КИРИТИЛДИ



Туризм ва маданий мерос объектларида инфратузилмани яхшилаш учун давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида 1 триллион сўм миқдорида маблағ ажратилиши белгиланди.

Ушбу маблағни манзилли йўналтириш учун мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жойига чиққан ҳолда ўрганиш олиб борилиб, 502 та туризм ва маданий мерос объекти танланди. Уларда қурилиш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан ишлар олиб борилади.

Шунингдек, туризм индустрияси бандлигини таъминлаш мақсадида 2020-2021 йилларда ички туризмга, шу жумладан, аҳолини саёхатга жалб қилишга қатта аҳамият берилмоқда. Туроператор ва турагентларга маҳаллий турист-

ларга Ўзбекистон бўйлаб ташкил этилган саёхатларнинг авиа ва темир йўл чипталари учун 15 фоиз ҳамда жойлаштириш воситаларининг меҳмонхона хизматлари харажатларини қоплашга 10 фоиз миқдорда субсидия ажратилмоқда. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига ушбу мақсадлар учун 4,8 миллиард сўм миқдорда маблағ йўналтирилди.

Эътиборли томони, сайёхатларни ташкил этишда жамоалар шаклида, яъни “маҳалла жамоалари”, “ёшлар жамоалари” ва “меҳнат жамоалари”дан таркиб топган гуруҳлар учун саёхатларни ташкил этиш бўйича режа ҳадвалари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Бу, ўз навбатида, турпакеклар нархи арзонлашиши ва маҳаллий сайёхлар оқими ортишига олиб келди.

Вазирлик маълумотиغا кўра, мустақил сайёхатчилар учун туристик ташкилотлар, мутахассислар билан биргаликда 70 та янги саёхат пакети ишлаб чиқилиб, улар беғараз фойдаланиш учун туристик порталларга (Uzbekistan.travel) жойлаштирилди.

Ҳудудлардаги 800 та туризм ва ма-

даний мерос объекти янги сайёхлик йўналишларига киритилиб, уларга маҳаллий ҳамда хорижий туристлар ташрифи ташкил этилаётди. Мамлакатимиз учун мутлақо янги йўналишлар, жумладан, туризм қишлоғи, туризм ва гастронომик кўчалар, зиёрат туризми, пляж, сувда ва чўл ҳудудларида дам олиш туризми, муз саройлари, умуммавсумий тоғ-чанғи курортлари тармоғи йўлга қўйилди.

Ахборотда қайд этилганидек, бугунги кунга қадар Маданий мерос кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига 8 минг 210 та маданий мерос объекти киритилган. Шундан, 4 минг 788 таси археология, 2 минг 267 таси архитектура, 530 таси диққатга сазовор объектлар ҳамда 625 таси маҳобатли санъат ёдгорликлари ҳисобланади. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига ҳудудлардаги 2 минг 971 та объектнинг чегара тегралари Давлат кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармалари билан бирга ўрнатилган тартибда белгиланди. Йил якунига қадар 4 минг 53 та моддий маданий мерос объек-

тининг чегара тегралари белгиланади. Депутатлар давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маданий мерос объектларида ахборот технологияларини, жумладан, турникетлар ташкил қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан қизиқди.

Таъкидландики, бу тизим самарасиз фаолият олиб бораётган, тўхтаб қолган спорт иншоотларини ишга тушириш ва уларни монетизация қилишга ижобий таъсир кўрсатади. Ҳисоб-китобларга кўра, давлат-хусусий шериклики самарали жорий этиш спорт иншооти ва биноларни сақлаш ва жиҳозлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни 20 фоизгача қисқартиришга хизмат қилади.

Мажлисда депутатлар “Ҳукумат соти”да муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқиб, кун тартибидagi вазифалар бўйича бир қатор тақлифлар берди. Якунда мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Маҳаллий Кенгашларда

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК БОР ЖОЙДА АДОЛАТ БЎЛАДИ

Кейинги йилларда юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиклики таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Хусусан, бу масала қонун йўли билан мустаҳкамланиб, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шу ҳужжат ижроси доирасида жорий йилда Олий Мажлис Сенатида Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклики таъминлаш масалалари кўмитаси ва маҳаллий Кенгашларда Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиклики таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашида ташкил этилган доимий комиссия йиғилишида юқорида келтирилган Қонун ва Президентимизнинг шу йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг ҳудуддаги ижроси атрофлича таҳлил қилинди.

— Очиклик ва ошқоралик сиёсатини таъминлаш жамиятимиз ҳаёти учун нақадар муҳимлигини ўз фаолиятимиз давомида чуқур хис қилмоқдамиз, — дейди доимий комиссия раиси Эркин Тўхтаев. — Шу йил август ойида ташкил этилган доимий комиссия ушбу қонун ва Фармон ижросининг вилоятда бажарилиши юзасидан 34 та давлат органи ва ташкилоти билан ишляпти. Шу мақсадда уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларининг очик маълумотлар портали ҳамда ўз веб-сайтларида жойлаштирилиши бўйича ҳисоботларини тингладик.

Фахриддин БОЗОРОВ (Халқ сўзи).

«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ:

БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ, ИСТИҚБОЛ

Фарзанд вояга ет-гунга қадар терак атмосферани зарарли газлардан тозаловчи филтёр вазифасини ўтаган бўлса, кейинчалик уй қуришда фойдаланилган. Кўчат экиш са-вобли амаллар сирасига ки-риши ривоятларда ҳам кел-тирилган. Бир ривоятда “Агар мусулмон бандга кўчат экадиган бўлса, ундан инсон, ҳайвон ёки қуш еса бу ўша бандга қиёмат кун-ига садақаи жория бўла-ди”, дейилади.

Шу ўринда, биз, депутат-лар ушбу эзгу амаллар — дарахт кўчатларини экиш ишларида фаол иштирок этишимиз, бу борада аҳоли орасида кенг тушунтириш-лар олиб боришимиз ҳамда кўкаламзорлаштириш жара-ёнида жамоатчилик назорати-ни кучайтиришимиз ло-зим бўлади.

Мўтасар айтганда, мамла-катимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси дои-расида дарахт кўчатларини экиш ишларини амалга оши-

риш шахарларимизга, маҳал-ларимизга фойза бағиш-ловчи янги яшил ҳудудлар пайдо бўлишига, юртимиз иклимини муътадил сақлаш, табиати ва фуқаролар са-ломатлигини асраш, халқи-миз фаровонлигини таъмин-лашда муҳим омил бўлади.

Хайрулло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ҳолати таҳлилига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тегишли соҳа вакиллари, депу-татлар, бир қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилари ишти-рок этган тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сен-тябрдаги “Иқтисодиёт тармоқла-ри, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралар уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даври-да барқарор ишлашга тайёрлаш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси до-ирасида бажарилган юмушлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бугунги кун-да мазкур қарорда белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чи-қиб, тайёргарлик ишлари жадал су-ратда олиб боришмоқда. Хусу-сан, иқтисодиёт тармоқлари, иж-тимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралар тураржой фондини

тадбирларини молиялаштириш манбалари, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланди.

Республика иссиқлик таъминоти объектлари ва усуналарини куз-қиш мавсумига тайёрлаш параметрлари бўйича ўттизга яқин марказий ва маҳаллий қозонхоналар, юзга яқин қозон усуналари мукамал таъмир-ланган бўлса, 66 та марказий ва ма-ҳаллий қозонхона, 836 та қозон ус-қунаси ҳамда 530 км. иссиқлик тар-моқлари жорий таъмирланган.

Тадбирда жорий йилда республи-ка бюджети, инвестиция дасту-рлари ҳамда қатор молиявий жамғармалар ҳисобидан иссиқлик таъминоти тизимини тиклаш юза-сидан амалга оширилаётган иш-лар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Қайд этилдики, Инвестиция дастури доирасида 100 миллиард сўм маблағ ҳисобидан Янгийўл шаҳридаги “РК-1” ва “Турон” қозонхоналарида, Самарқанд шаҳридаги “РК-1” қозонхонасида, Маргилон шаҳридаги 130 та кўп қаватли уйларни ҳамда Келес ша-

ҳарчасидаги кўп қаватли уйларни иссиқлик энергияси билан таъмин-лаш ишлари олиб боришмоқда.

Тикланиш ва тараққиёт жамғар-маси маблағлари ҳисобидан На-манган шаҳар иссиқлик таъмино-тини реконструкция қилиш лойи-ҳаси бўйича ҳам ишлар давом эт-моқда. Вазирлар Маҳкамаси қаро-ри ижросини таъминлаш доираси-даги бу каби чора-тадбирлар бар-ча ҳудудда изчиллик билан уюштирилаётгани, ушбу йўналиш-да олиб борилаётган амалий иш-лар аҳоли фаровонлигини таъмин-лаш, фуқароларга қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Депутатлар томонидан юртимиз-да шу йил ва кейинги йилда амал-га оширилаётган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича бир қатор тақлифлар берилди.

Яқунда муҳокама этилган маса-лалар юзасидан келгусида бажари-лиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли тав-сиялар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИНИНГ ХАБАРДОРЛИК ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА



Қайд этилганидек, мазкур ҳужжат билан Божхона кодексининг 81 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Масалан, божхона расмийлаштируви муддати 3 кундан 1 кунга қисқартирилмоқда, товар ва транспорт воситаларини тегишли божхона режимига жойлаштириш учун талаб этиладиган рухсатномалар бериш тартиби бекор қилиняпти. Айни чоғда мамлакатимиз ҳудудига олиб киришда солиқдан озод этила-диган товарлар рўйхати мувофиқлаштирилди. Шунингдек, божхона ва тадбирдорлар ўртасидаги ни-золарни судга ҳал қилиш бўйича янги тизим ки-ритилди. Табиийки, бу янгиликлар тадбирдорлар учун кенг имкониятлар яратди.

Тадбирда аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, фуқароларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш масалалари ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Ялпи мажлисда қўрилган масалаларнинг маз-мун-моҳиятига бағишлаб Самарқанд вилоятида ўтказилган йиғилишни Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Одилжон Иминов олиб борди. Тадбирда маҳаллий Кенгашлар доимий комис-сиялари раислари, тегишли бошқарма ва та-шкилотлар мутасаддилари қатнашди.

Таъкидландики, бугунги кунда мамлакатимиз қонун чиқарувчи органи бутунлай янги ҳолат ва ёндашув асосида фаолият олиб бормоқда. Сена-торлар муҳокамага қўйилган бирор-бир масалани шунчаки кўраётгани йўқ, аксинча, уларга мамлакатимиз ривожига нечоғли хизмат қилиши нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқда.

— Кўпчилик гувоҳ, Сенатнинг йигирманчи ялпи мажлисида айрим ҳужжатлар, жумладан, “Ижтимоий тадбирдорлик тўғрисида”ги қонун сенаторлар томо-нидан рад этилди, — деди О. Иминов. — Тўғри, бу ҳолат айрим ижтимоий тармоқларда турлича фикр-ларни келтириб чиқарди. Аслида парламентда шун-дай баҳс-мунозаралар бўлиши, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар бу жараёнга ўз муносабатини билдириши демократия нуктаи назаридан ижобий ҳол. Хар бир ҳужжат ялпи мажлисга-ча кўп чиғирқандан ўтади. Хусусан, экспертлар кенга-чи жалб қилиниб, дастлабки тарзда кўмиталарда қўрилади. Қонун ташаббускорлари ҳам бу жараёнда бевосита қатнашади. Қолаверса, жойига чиқиб мав-жуд ҳолат ўрганилади ва шундан кейингина бир қарорга келинади.

Очиғи, қонун қайтарилди дегани, у батамом бе-кор қилинди дегани эмас, буну тўғри тушуниш ке-рак. Гап бу ерда қонунни янада пухта ишлаш ҳақида кетаяпти. Чунки Сенатнинг муҳокамага қўйилган ҳуж-жатга тўғридан-тўғри тузатиш киритиш ваколати йўқ — қонун ё маъқулланади ёки рад этилади. Рад эти-лиши, у кейинчалик парламент вакиллари, эксперт-лар, қонун ташаббускорлари билан биргаликда пишиқ-пухта ишланади, навбатдаги мажлисларда қайта муҳокама қилинади, дегани.

Тадбирда Сенатнинг йигирманчи ялпи мажлиси-да муҳокама қилинган бошқа масалалар мазмун-мо-ҳияти ҳам батафсил очиб берилди.

Сурхондарё вилоятида Олий Мажлис Сенати-нинг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклики таъминлаш масалалари кўмитаси раи-си ўринбосари Фарҳод Боқиев иштирокида ўтка-зилган тадбирда “Давлат ҳокимияти ва бошқару-ви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”-ги Қонуннинг давлат органлари ва ташкилотла-ридаги ижроси кўриб чиқилди.

Очиқ мулоқотда охириги йилларда сўз ва матбуот эркинлиги доирасида амалга оширилган ислоҳот-ларнинг мантиқий давоми сифатида Президентнинг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик на-зоратини самарали амалга оширишга доир қўшим-ча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганлиги ва давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш ишларини янги босқичга олиб чиққанлиги алоҳида айтиб ўтилди.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фа-олиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун барча да-ражадаги мансабдорлар хатти-ҳаракатларига кенг жамоатчилик ва халқимиз нигоҳи билан баҳолаш им-кониятини яратиб бергани ҳам иштирокчилар то-монидан қайд этилди.

Йиғилишда, шунингдек, қонун ижроси юзасидан амал-га оширилаётган ишлар ва келгусида бажарилиши ло-зим бўлган вазифалар бўйича маълумот берилди.

«Халқ сўзи».

НОЁБ ЛОЙИҲАЛАР ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

темир йўл соҳаси тараққиётига хизмат қилмоқда

Модернизация ва фидокорона меҳнат самараси

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан 806,08 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағни ўзлаштириш ҳисобидан 52 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда “Бухоро — Мискин темир йўли қурилиши”, “Қарши — Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш”, “Мароканд — Қарши темир йўл линиясини электрификация қилиш”, Сирдарё вилоятида “Экскаторлар ва гусеничли техникаларни таъмирловчи янги завод қуриш”, “А-373 Тошкент — Уш автомобиль йўлини кесиб ўтувчи “Қамчиқ-2” туннели қурилиши”, “Самарқанд — Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поезлар ҳаракатини ташкил этиш” лойиҳаси бўйича “Икки йўллик Жиззаҳ — Янгиер электрлаштирилган янги темир йўл қурилиши” каби бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Темир йўл транспорти ишчи-ходимлари, соҳа мутахассисларининг ҳиссаси бекиёслиги инобатга олиниб, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида” Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, 2017 йилдан бошлаб август ойининг биринчи яшанбаси “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида” фармонини равишда соҳага мос тарзда, тантанали равишда нишонлаш белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган чорак аср давомида пухта ўйланган, узок муддатга мўлжалланган стратегия асосида тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташкил этилган кундан буён юк ташиш



ҳажми 2,1 марта, йўловчи ташиш ҳажми 2 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1,5 миллиард тонна юк ташилиб, 400 миллион нафарга яқин йўловчилар ўз манзилига етказилгани соҳада амалга оширилган ишлар салмоғи нақадар катта эканининг яққол тасдиғидир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали манзилларига етказилаётганини инобатга оладиган бўлса, ушбу соҳа иқтисодий тараққиётини ривожлантиришда қандай муҳим ва катта маъқени эгаллаб турганини янада чуқурроқ ҳис қиламиз. Тизимдаги сановат корхоналари давр талабига мос технологиялар билан жиҳозланиб, уларда замонавий йўловчи ва юк вагонлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган транспорт машинасозлиғи соҳасида ҳам темир йўлчиларимиз ўзининг муносиб ўрнини топганидан далолат беради. Жумладан, биргина Қуюв-механика заводида ҳаракатланадиган таркибни таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагонсозликни ташкил этиш ва қуюв корхонасини реконструкция қилишга қаратилган катта кўламадаги лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида янги юк вагонлари, кўп тоннали контейнерлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, юк вагонларини капитал таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини янада жадаллаштириш имконияти яратилмоқда.

Транспорт коридорининг муҳим бўғини

Бугунги кунда Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг

энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар таъмири тизимида муносиб ўрин эгаллади. Бу борада амалга оширилган катта кўламадаги ишларнинг барчаси иқтисодий тараққиётда юксак натижаларни кўлга киритишда асос бўлмоқда. Темир йўлчиларимиз томонидан истиқлол йилларида 1,5 минг километрдан ортиқ янги темир йўлларнинг барпо этилгани, 1,8 минг километрлик темир йўл линияларининг электрлаштирилгани мамлакатимизни модернизация қилишда улкан қадам бўлди. Асосийси, бу ўзгаришлар халқимиз ҳаётида



ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг байналмилал жамоаси темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш, такомиллаштириш ва реконструкция қилиш, темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Янги темир йўлларнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурсларга бой конларни комплекс ўзлаштириш, энг муҳими, минглаб юртдошларимизни иш билан таъминлаш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Испаниянинг “Talgo” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланадиган “Afrosiyob” электропоездларини пойтахтимиздан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий

шаҳарларимизга қатнамоқда. Бундай тезуор поездлар қисқа муддатда халқимиз ва хорижий меҳмонларнинг эътибори ва ишончини қозонди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан транспорт соҳасидаги хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида ҳаракатланадиган таркибни замонавий, юқори самарали локомотив ва қулай вагонлар билан таъминлаш ва модернизация қилиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда жаҳон стандартлари талаблари

маҳалла” дастурлари доирасида ижтимоий соҳада, хусусан, табиий шароити, иқлими оғир ҳудудларга тоза ичимлик суви етказиб бериш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, халқимиз фаровонлигини ошириш, арзон уй-жойлар, таъминтарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт масканларини барпо этиш йўлидаги эзгу ишлари ҳам юртимиз тараққиётига ҳисса бўлиб кўшиляётир.

Кадрлар масаласи алоҳида эътиборда

Шу ўринда темир йўл соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эътиборни қаратмоқчи эдим. Ўзбекистон темир йўл тармоғининг келажаги, аввало, замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига ва Ватанимизга содиқ ёш мутахассислар таъминоти соҳага кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқ.

Юртимиздаги 3 та темир йўл касб-хунар коллежи, академик лицей ва Тошкент давлат транспорт университети ҳар йили 3 мингдан зиёд ёш мутахассислар тамомлаб, ҳаётга йўланма олаётгани мамлакатимиз темир йўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент давлат транспорт университетида мамлакатимиз транспорт соҳа-

“ Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали манзилларига етказилаётганини инобатга оладиган бўлса, ушбу соҳа иқтисодий тараққиётини ривожлантириш, реконструкция қилиш, темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Янги темир йўлларнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурсларга бой конларни комплекс ўзлаштириш, энг муҳими, минглаб юртдошларимизни иш билан таъминлаш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Испаниянинг “Talgo” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланадиган “Afrosiyob” электропоездларини пойтахтимиздан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий

циялар халқаро сифат стандартлари талаблари даражасидаги юқори технологиялар билан жиҳозланди. Темир йўлчиларимизнинг фидокорона меҳнати тугайли раво йўллар, пойтахтимизда ва бошқа ҳудудларда ўнлаб замонавий кўприклар қуриб, Ватанимиз ободлиғига муносиб ҳисса қўшаётгани алоҳида таҳсинга сазовор. Шунингдек, темир йўл соҳаси ишчи-ходимларининг “Обод қишлоқ”, “Обод

си учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, тизимини илғор хорижий таъриба ва халқаро стандартлар бўйича ривожлантириш, ўқитиш жараёнига замонавий услубларни татбиқ этиш, илмий салоҳиятини янада юксалтириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, бу даргоҳда талаб ва тақлифларга асосан баҳариллаётган ишлар олийгоҳнинг нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, Президентимиз таъкидлаганидек, айни вақтда олдимизда юк ва йўловчи ташиш ҳажмини кенгайтириш билан бир қаторда, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, бой минерал-хом ашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, янги иш ўринларини яратиш, тармоқ корхоналари учун мутахассислар тайёрлаш, иқтисодий тармоқлари ва аҳолининг кўмир маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган талабни қондиришга йўналтирилган инвестициявий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш каби муҳим ва устувор вазифалар турибди. Ишончимиз комилки, тизимимиздаги 87 минг нафардан зиёд юқори малакали, ўз касбига садоқатли, фидойи ва илғор темир йўлчилар жамоаси бу вазифаларни чуқур ҳис этган ҳолда ўзларининг бор билим, малака ва куч-ғайратларини сафарбар этади.

Одил АБДУРАҲМОНОВ, Тошкент давлат транспорт университети ректори.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ЯНГИ УФҚЛАР

Мамлакатимиз ҳаётида янги Ўзбекистон тамойилининг жорий этилиши бошқа соҳалар каби жисмоний тарбия ва спорт тизимида халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида янги уфқлар очилишига омил бўлмоқда.

Пойтахтимизда ўтган МДХ, Болтиқбўйи ва Грузия Миллий олимпия кўмиталари раҳбарлари иштирокидаги минтақавий форумнинг ташкил этилиши дунёда олимпия тузилмасининг тараққиётини таъминлашга хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Тадбирда минтақа олимпия кўмиталари мутасаддиларининг маърузалари тингланди. Жумладан, Қирғизистон МОҚнинг биринчи вице-президенти Канат Аманкуловнинг “Кўчманчилар ўйинлари”, “Осиё болалари” ўйинлари халқаро кўми-

таси вице-президенти Марат Бариевнинг маъруза ташкилот фаолияти, Россия МОҚ Бош котибини Владимир Сенглеевнинг “Россия Федерацияси спорт жамоат бирлашмалари фаолиятида пандемиянинг салбий оқибатларини қамайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Литва МОҚ президенти Дайна Гудзиневичутенинг “Европа Олимпия кўмитаси фаолиятида янги ёндашувлар” каби маърузалардаги чиқишлари кўпчилигининг эътиборини тортди.

Бундан ташқари, Украина, Латвия, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон МОҚ вакиллари ҳам минтақада жисмоний тарбия ва спортни, олимпия гоғларини ҳамжихатликда ривожлантириш борасида қизиқарли тақдиротларни намойиш қилишди. Қатнашчилар маъруза бўйича фикр-мулоҳазалар билдириб, минтақа олимпия кўмиталари ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш лозимлигини таъкидлашди. Тошкент форуми шу йўлдаги яна бир қадам бўлганлиги, муҳим аҳамият касб этаётганиги бот-бот таъкирланди.

МДХ, Болтиқбўйи ва Грузия МОҚ раҳбарлари иштирокидаги минтақавий форумнинг ташкилий йиғилишларида

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдуҷаббор Абдувоҳидов, Осиё Олимпия кенгаши вице-президенти Отабек Умаров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси раҳбарияти, юртимизда фаолият кўрсатаётган спорт федерация ва ассоциацияларнинг мутасаддилари иштирок этишди.

Форумда хорижий мамлакатларнинг олимпия кўмиталари мутасаддилари Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасига таширф буюришди. Меҳмонлар учун мамлакатимиз спорт ҳаётига бағишланган кичик экскурсия ташкил этилди. Кичик тур давомида форум иштирокчилари юртимиз олимпия-

чиларининг ютуқлари ва Миллий олимпия кўмитаси қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолияти билан танишишди.

Шундан сўнг ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ўтказилган мунозараларнинг амалий яқини сифатида Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси Беларусь, Озарбайжон, Литва ва Татаристон олимпия кенгаши билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Бугун форум иштирокчилари қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрининг бой тарихи билан яқиндан танишади.

Тўлқин РЎЗИЕВ, ЎЗА муҳбири.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

БУХОРОДА ТИББИЙ КИСЛОРОД ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Одатда зарурат ҳақида сўз борганда, “сув ва ҳавода зарур” деган иборани ишлатамиз. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида, таъбир жоиз бўлса, худди шундай махсулот — тиббий кислород ишлаб чиқарилмоқда.

— Пандемия шароитида бундай махсулотга эҳтиёж кескин ошди, — дейди заводнинг бугунаво-газ таъминоти цехи бошлиғи Умиджон Бобоев. — Шунинг ҳисобига олиб, коронавирус касаллиги авж нуктага чиққан — 2020 йилда тиббий кислород ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Даставвал, пойтахтдан мутахассислар келиб, таҳлил натижаларини ўрганишди ва ижобий хулоса берди. Ўтган йилнинг ўзидаёқ 72 тонна тиб-

бий кислород ишлаб чиқариб, Бухоро ҳамда Қашқадарё вилоятлари шифохоналарига етказдик. Эътиборлиси, бунинг учун керакли ускуналар харид қилишга зарурат сезилмади, мавжуд технология линия имкониятларидан самарали фойдаланиляпти. Айни дамга эса бу ерда тиббий маҳсулотлар мўлжалланган, мусаффолиги 95 фоиз бўлган 168 тонна кислород ишлаб чиқарилди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

ҚУВАДА БИР ЙИЛДА 50 МИЛЛИОН ТУПДАН ОРТИҚ КЎЧАТЛАР ЕТИШТИРИЛАДИ

Фаргона вилоятида ҳам 10 декабрга қадар дарахт кўчати екиш бўйича “долзарб 40 кунлик” доирасида яшил майдонларни яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, хайрли ташаббуслар бошланди.



Маълумотларга кўра, 1 ноябрь кунини ҳолатига вилоятда 91 минг дона мевалик ва манзарали кўчатлар экилди. Жорий йил кўз ва 2022 йил баҳор мавсумида 15 миллион 291 минг дона мевалик ва манзарали кўчатларни екиш белгиланиб, ҳозирданоқ бу ишларга киришилди. Шаҳар ва туманларда 176,2 гектар майдонда жамоат парклари, 135,8 гектар майдонда ашил майдонлар ташкил этиш бўйича ерлар танланди. Қува тумани нафақат вилоятда, балки юртимизда кўчатчиликда катта таъриба бўлиб, бу ҳудуд ҳисобланади. Туман аҳолиси ҳар йили ўртача 50 миллиондан ортиқ манзарали ва мевалик дарахт кўчатлари етиштирилади. Шу билан бирга гулчиликда яхши таърибаси бор. Ўндан ортиқ тадбиркорлик субъектлари то-

монидан кўчатлар хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Айни кунларда ҳам 25 мингдан ортиқ хонадонлардаги томорқаларда манзарали ва мевалик кўчатлар етиштирилмоқда, бу юмуш ортиндан уларнинг оиласига, хонадонига файзу барака, тўкинлик кирмоқда. Хусусан, “Қорахум”, “Янги чек”, “Толмозор”, “Болалик”, “Турк” каби маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли, асосан, кўчат етиштириш билан шуғулланади.

Туман ҳокими ва секторлар раҳбарлари бугун мамлакатимизда эълон қилинган “долзарб 40 кунлик” доирасида Аҳмад Фарғоний мажмуасида дарахт екишни бошлаб берди.

Қува туманида “долзарб 40 кунлик” да 1 миллион туздан ортиқ дарахтлар екиш режалаштирилган.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»)

ЮЗ ЙИЛЛАБ ҚАРОВСИЗ ЁТГАН МАДРАСА ЎРНИДА МУЗЕЙ ОЧИЛАДИ

Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарчасида Муҳаммад Амири Наҳиббек мадрасаси биноси узок йиллардан бери қаровсиз аҳволда эди.



1791 йилда бунёд этилган бу тарихий обида 1928 йилгача мадраса сифатида фаолият кўрсатган, кейинчалик оғир ҳолатда қолган мадрасага айланган бўлиб, қарийб юз йил эътибордан четда қолган. Натижада бинони зах босиб, деворлари емирила бошлаган эди.

Туманда яшовчи бир гуруҳ зиёвчилар, меҳнат фахрийлари мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибордан руҳланиб, мадраса биносини маънавият ва маърифат марказига айлантириш ташаббуси билан чиқди. Бу тақлиф вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам маъқулланди. Мадраса негизда улкашунослик музейини ташкил этиш бўйича қарор

қабул қилиниб, маҳаллий бюджетдан 500 миллион сўм миқдорига маблағ ажратилди. 2019 йилда бошланган маъруза хайрли иш айна дамада қизгин давом этмоқда. Мадраса ҳовлисига пештоқли дарвозадан кириб борилади. Ҳовлида баланд айвон, масжид ва 16 та хона мавжуд. Мажмуада 2 йил давомида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ерга мебель жиҳозлари ва тарихий ашёлар келтирилди.

Абдулғазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»)

Спартакиада



СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан 11 ноябрь — Ўзбекистон касабани уюшмалари кунини байрамга бағишлаб “Спорт — саломатлик гарови” шиори остида ташкил этилган ходимлар спартакиадасига старт берилди.

Касабани уюшмалари кунининг бир йиллигини арафасида ўтказилаётган мазкур спорт мусобақаларида тизимда меҳнат қилаётган ходимлар, фаоллар, ҳамда турли соҳа мутахассислари қатнашмоқда.

Спартакиада дастуридан спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, дартс, бадминтон, мини-футбол каби турлари ўрин олган.

Кеча 24 жамоа ўртасида саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 260 дан зиёд ходимлар иштирок этди. Хусусан, металлургия ва машина-созлик, энергетика, нефть-газ ҳамда геология, кимё ва фармацевтика, агросаноат мажмуи тармоқлари тизимида ҳамланган жамоалар, шунингдек, “Касабани — лойиха” масъулияти чекланган жамияти ва Санатор-курортлар бошқармасининг хаваскор спортчилари ўзaro беллашди.

Кўтаринки кайфият ва дўстона рақобатлашув руҳида ўтган мусобақалар жамоаларнинг спартакиадага юқори даражада тайёргарлик кўрганлиги ҳамда спортга доимий ошно эканликларини далиллади.

мазкур спартакиада мамлакатимизнинг барча ҳудудидида уюштирилаётган спорт байрами тусини олган мазкур мусобақалар турли касб эгаларига юқори кайфият улашиши билан бирга, ишлаб чиқариш унвдорлигини оширишга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Спартакиада мусобақалари беш кун давом этади ва унинг голиб ҳамда совриндорлари 8 ноябрь кунини “Универсал” спорт мажмуасида ўтказилаётган тантанали тадбирда тақдирланади. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан меҳнат-кашлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда спортнинг оммавийлигини оширишга қаратилган кўп босқичли спартакиадалар, оммавий юриш ва югуриш, соғломлаштириш машқлари каби қатор тадбирлар ўтказилиб, уларга 1 миллиондан зиёд кишилар жалб этилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси матбуот хизмати раҳбари.

АСОСИЙ МАҚСАД — БИЛИМЛИ, ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Аграр соҳада ҳосилдорлик ва меҳнат унвдорлигини ошириш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилингани бежиз эмас.

Мушоҳада

Унда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, қулай агробизнес муҳити ва юқори қўшилган қиймат занжири яратиш, соҳада илғор технологияларни қўллаш бўйича муҳим чоратадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон мева-сабзавотчилик тармоғи катта салоҳиятга эга. Бироқ афсуски, бундан оқилона фойдаланилма-япти. Статистик маълумотларга кўра, юртимизда йилига 21 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилса-да, унинг бор-йўғи 1,5 миллион тоннаси экспорт қилинади ҳолос. Чунки маҳсулотларимиз ташқи бозорларга қўбатига мос эмас. Боғ ва тоқзорларда ҳосилдорлик жуда паст. Масалан, хорижий давлатларда бир гектар интенсив боғдан 70 — 100 тонна, айрим мевалардан 130 тоннагача ҳосил олинади, юртимизда бир гектардан 10 — 30 тонна, аънавий боғ-тоқзорларда эса 4-5 тонна маҳсулот олинади ҳолос. Маҳсулотни саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича 31 та агрологистика маркази ташкил этилган. Лекин айланма маблағлар етишмаслиги ва доимий маҳсулот йўқлиги оқибатида уларнинг аксарияти мавсумий ишлаб, мавжуд қувватларнинг бор-йўғи 10 — 15 фоиздан фойдаланаётганимиз ҳам рост.

Маркетинг йўқлиги, жаҳон бозоридида вазият ўрганилмаслиги оқибатида экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар иштирокида Деҳқон, қайта итловчи ва экспортчи корхоналар ўртаси-

да тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Айтиш мумкин, миришкор экинларни ўз билганича жойлаштириб, етиштирилган маҳсулотини сота олма-япти, экспортчи эса мева-сабзавот қидириб юрди. Табиийки, бу чет эллик харидорлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга салбий таъсир этади, албатта.

Соҳада олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, Президентимизнинг “Термиз агротехнологиялар ва инно-



лар етакчи таълим муассасаларида, агрокластерларда, кооперацияларда стажировка ўтати таъминланади. Юртимиз жанубидаги Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароити ўзига хос. Қишлоқ хўжалиги экинларидан, жумладан, мевали ва ёнғоқ мевали, сабзавот, полиз, дон-дуққакли экинлардан юқори ҳосил олиш имконияти мавжуд. Ҳудудда ил-

да талабалар сони 1 минг 467 нафарга ёки уч баробарга ошган.

Янги институтда битта янги бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 8 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Хусусан, доривор ўсимликлар, ўсимликларнинг ҳимояси, селекция ва уруғчилик, сабзавотчилик ҳамда полизчилик, шолчилик, агрокимё, агрономия каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб анорчилик агротехнологияси бўйича мутахассислар ўқитилади.

Қарорда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2022/2023 ўқув йилида талабалар сони 2 минг 870 нафарга, шундан, бакалаврият таълим йўналишларида 2 минг 770 нафарга, магистратура мутахассисликлари бўйича 100 нафарга етади. Институтда профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти 35 — 40 ошди. Анорчилик йўналиши бўйича 15 нафар профессор-ўқитувчи тажриба алмашиш учун Туркияга юборилди, институтга тегишли 50 гектар ер майдонида грант маблағлари ҳисобидан анор, хурмо, лимон, қора олхўри, узум ва бошқа мева-сабзавотларнинг юқори ҳосиллиги натижасида юртимиз жанубида замонавий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж ижобий ечим топиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятлари янада кенгайди.

Сандасор ФУЛОМОВ,
ТДАУ Агротехнология кафедраси профессори, академик.

“Статистик маълумотларга кўра, юртимизда йилига 21 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилса-да, унинг бор-йўғи 1,5 миллион тоннаси экспорт қилинади ҳолос.”

вацион ривожланиш институти ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда янги институт 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали негизда ташкил этилиши белгиланди. Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида таълимнинг кредит-модуль тизими ва ҳафтада беш кунлик ўқиш жорий этилиб, шанба кунини мустақил ўзлаштириш кунини, деб белгиланади. Қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари хорижий экспертлар иштирокида ишлаб чиқилади. Педагог ходимларнинг хорижий давлат-

фор, интенсив агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини янада яхшилаш учун замонавий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли мутахассис кадрларга эҳтиёж катта.

Айтиш мумкин, Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиалида 19 та бакалаврият таълим йўналишида 2 минг 189 нафар талаба тахсил олади. Уларнинг 1 минг 927 нафари кундузги, 262 нафари сиртки йўналишда ўқийди. Сунги икки ўқув йилида ушбу таълим маскани-

тори Алишер Тожибоев. — Бу иншоотлар йил давомида узлуксиз ишлайди. Иқтидорли еш мутахассисларни ишга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Чунки қайта қурилган “ГЭС-3” замонавий технологиялар билан жиҳозлангани боис бошқарув жараёнлари тўлиқ компютерлаштирилган. Шу боис ҳам назарий билимларни чуқур ўзлаштирган ёшларга эҳтиёж катта.

Қарор ижроси йўлида “Ўзбекгидроэнерго” раҳбарияти ва мутахассислари томонидан Тошкент вилоятида жойлашган гидроэлектр иншоотларини илғор технологиялар асосида қайта қуриш ва модернизациялаш тадбирлари жадал давом эттирилмоқда. Мутахассислар фикрича, яқин йилларда вилоят ҳудудларида ўнаб янги “яшил энергия” манбалари юзага келади. Бу қарорда белгиланганидек, мамлакатимиз аҳолиси, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларни электр қуввати билан таъминлаш имкониятини янада кенгайтиради.

Тадбир якунида энергия тежамкорлиги ҳамда энергия самардорлигини янада оширишда илғор технологик ва инновацион тажрибалар қўллаш масалалари бўйича кизгин савола-жавоблар бўлиб ўтди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ
(«Халқ сўзи»)
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — ҳаётин зарурат

1

Лойиҳанинг умумий қиймати 213,389 миллиард сўмни ташкил этади. Хитойнинг “Dongfang Electric International Corporation” ҳамда Германиянинг “Andritz AG” компаниялари томонидан етказиб берилган замонавий технологиялар ўрнатилган иншоотнинг умумий қуввати 8,16 МВт (4 та агрегатнинг ҳар бири 2,04 МВт) бўлиб, йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати эса 35,4 миллион кВт/соатни ташкил этади. 2017 йил ноябрь ойида бошланган қурилиш-монтаж ишлари муваффақият билан якунига етказилди.



қурилади. Марказий бошқарув пулти бу ердан тахминан 1,5 километр узоқликда жойлашган. Шу ўринда “капсула” усулига кенгрок тўхталиб ўтас. Ушбу услубда турбина горизонталь, генераторлар эса вертикаль ҳолатда ўрнатилди. Натижада дарё ўзанидаги сувнинг босими жуда паст бўлса ҳам юқори кучланишдаги электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти вуҳудга келади. Мутахассисларнинг айтишича, оқиб турган дарё ўзани устига труба генераторларни ўрнатиш осон кечмаган. Бу иш қурилиш жараёнида иштирок этган

муҳандис-техник ходимлар, энергетик ва қурувчилардан теран билим ҳамда улкан тажрибани талаб қилади. Аслида, “Қамолот” ГЭС-нинг лойиҳаси ўтган асрнинг 40-йилларида илгари сурилган. Бироқ узоқ йиллар давомида бунга эътибор қаратилмаган. Мустақил Ватанимиз иқтисодийотидаги кейинги беш йилда амалга оширилган ислохотлар туфайлигина аҳолига электр қуввати етказиб бериш имконияти кенгайди. “Қапсула” усули синондан муваффақиятли ўтса, уни соҳадаги ишлаб чиқаришда кенг қўллаш мумкин.



Ишлаб чиқариш жараёнларига ресурстежамкор илғор технологияларни жорий этишда Россия, Хитой ва Германия билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, соҳага еш мутахассислар кенг жалб қилинмоқда. Бу ишлар, айниқса, охириги йилларда анча фаоллашган. Чунки илгари еш мутахассислар фақат Ёшлом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетидида тайёрланарди. Бугунги кунда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида очилган махсус факультетда тахсил олган иқтидорли ёшлар жамоага кириб келаётди. Талабаларга соҳа сир-асрорларини мукамал ўргатишда “Устоз — шогирд” аънаси кўл келяпти. Ўқув-тажриба жараёнида хорижлик мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Медиатор давомида “Чирчиқ ГЭСлар каскади” унитар корхонаси таркибидида “Оққовоқ”, шунингдек, “Қодирия ГЭСлар каскади” унитар корхонаси таркибидида “ГЭС-3”да ҳам бўлди.

— 1933 йилда қурилган, умумий қуввати 13,2 МВтдан иборат бўлган мазкур иншоот маънавий жиҳатдан эскирганди, — дейди “ГЭС-3” раҳбари Дилмурод Мираҳмедов. — Янги иншоотни хитойлик ҳамкорлар билан қуриб битказдик. Унинг умумий қуввати 15,34 МВтга етказилди. ГЭСнинг йиллик ўртача электр қуввати ишлаб чиқариш кўрсаткичи 124 млн. кВт/соатни ташкил этмоқда. Бу 40 — 45 минг аҳоли хонадонини электр энергияси билан узлуксиз таъминланади, дегани. Станцияда иш жараёни тўлиқ компютерлаштирилган. Соҳага бундай илғор технологияларнинг жорий этилиши электр қуввати ишлаб чиқариш ҳажминини муттасил ошириб, қурилатган ва модернизация қилинаётган гидротехник иншоотлар жойлашган ҳудудларда янги иш ўринларини юзага келтирмоқда. — Ушбу мажмуа таркибидида “Кибрай” (“ГЭС-11”), “Салар” (“ГЭС-12”), “Оққовоқ” (“ГЭС-15”) ҳамда ушбу модернизацияланган “ГЭС-3” киради, — дейди “Қодирия ГЭСлар каскади” УК дирек-

«ИПАК ЙЎЛИ» АИТБ

раҳбарияти тизим ходимларига иختирий тиббий суғурта шартномасини тузиш мақсадида суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказишнинг маълум қилиди.



Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

100017, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй.

Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнги муддати 2021 йил 25 ноябрь кунини соат 12.00 гача. Мурожаат учун телефонлар: 78-140-69-38, 78-140-69-00 (ички — 1255).
E-mail: s.juraev@ipakuyulibank.uz

Масъул ходим:
Жўраев Сарвар

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6